Ушбу сонда: 2 ЁДГОРЛИК ПОЙДА ГУЛЛАР, ЛОЛАЛАР 3 TV-ДАСТУРИ 4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 8 май, шанба № 76 (1709)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг* ФАРМОНИ

**Т.И.Жўраевни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлаш тўғрисида**

Туробжон Икромович Жўраев Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 7 май

## *9 май — Хотира ва Қадрлаш куни*





## ИСТИҚЛОЛНИНГ ЖЎШҚИН КУЙЧИСИ

***Мустақиллик халқимизнинг турли миллий қадриятлари қатори маданиятимиз ва санъатимиз равнақига ҳам янгича руҳ бағишлади. Хур ўзбек заминида миллатни улуғлаш, она юртга муҳаббат ва садоқатни баралла куйлаш учун кенг йўл очди. Юртимизда миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни, кўҳна тарихимизни, дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккир ва саркарда аждодларимиз, буюк давлат қуришга бел боғлаган янги давр кишилари - замонамиз қаҳрамонлари, истиқлол ва истиқбол бунёдкорлари сиймоларини теран талқин этувчи, том маънодаги мустақиллик адабиёти ривожланмоқда.***

Янги шеъриятнинг ёрқин вакилларидан бири Муҳаммад Юсуф эди. У ўзининг қисқа ижодий фаолияти давомида халқчиллик руҳи йўғрилган, миллий истиқлол ғоялари дадил ва жўшқин оҳангларда тараннум этилган шеърлари ва достонлари билан адабиётимиз равнақига катта ҳисса қўшди.

Шоирнинг ўнлаб шеърий тўпламлари адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин эгаллади. Китобларининг умумий нусхаси миллиондан ортди.

Муҳаммад Юсуфнинг адабиётимиз ривожига қўшган ана шу ҳиссасини, бетакрор ижоди ва ижтимоий фаолияти билан ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий истиқлол ғоясини халқимиз онги ва тафаккурига сингдириш борасидаги катта хизматларини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 12 март куни шоир таваллудининг 50 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Юртимизнинг барча гўшаларида - шаҳар ва қишлоқларда, ўқув муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда шоир ижодига бағишланган учрашув ва адабий кечалар бўлиб ўтди.

7 май куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 50 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов шоир ҳаёти, ижоди ва ижтимоий фаолияти ҳақида сўзлади. Муҳаммад Юсуф мустақиллик йиллари вояга етган, эл ўртасида шуҳрат топган шоир эканини таъкидлади.

Шоирнинг ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари Президентимиз Ислом Каримовнинг доимий эътиборида бўлди. Юртбошимизнинг Фармонларига мувофиқ Муҳаммад Юсуф «Дўстлик» ордени ва Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов Муҳаммад Юсуф ўз ижоди билан халқимизнинг юксак иқтидорли ва севикли шоири сифатида тарихда ўчмас из қолдиргани хусусида тўхталди. Шоир юбилейининг мамлакат миқёсида ўтказилиши давлатимиз раҳбари томонидан ижодкорларга бўлган эътиборнинг ёрқин ифодаси эканини қайд этди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида эслатилган қарорига мувофиқ Муҳаммад Юсуфнинг сайланма асарлари нашр этилди. Шоир замондошлари хотиралари жамланган тўплам ва қорақалпоқчага ўгирилган шеърлари босмадан чиқди. Шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган ҳужжатли видеофильм яратилди. Тошкент шаҳридаги кўчалардан бирига Муҳаммад Юсуф номи берилди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Олий адабиёт курсининг истеъдодли тингловчилари учун Муҳаммад Юсуф номидаги стипендия таъсис этилди.

Кечада таниқли шоир, ёзувчи ва олимлар ҳамда санъат намояндалари Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ хотираларини сўзладилар.

Ижро этилган шоир шеърларига басталанган қўшиқлар мустақиллигимизнинг жўшқин ва толмас куйчиси халқимиз қалбида абадий барҳаёт эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев иштирок этди.

**(ЎзА)**

## «БМВ» ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА

Sanar Motors Ltd компанияси Германиянинг BMW AG концернининг Ўзбекистондаги расмий импортчиси бўлиб, уни Ўзбекистоннинг икки фирмаси таъсис этган. Компания 2003 йилда Ўзбекистон ва Германия ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш доирасида ташкил этилган. Мамлакатимизда биринчи марта бу компания «Showroom» автосалони ва «BMW Service» техник хизмат кўрсатиш станциясини тақдим этмоқда.

Автосалонда сўнгги модификациядаги қатор автомобиллар намойиш этилмоқда. Истовчилар ўзларига ёққан моделларни каталогларга қараб танлаши, автомобилнинг ранги, двигател қуввати, аудио ва видеотизимлар ҳамда бошқа нарсаларни буюртириши мумкин. Барча янги автомобилларга юриш масофаси чекланмаган ҳолда 2 йилга кафолат берилади.

Техник хизмат кўрсатиш маркази BMW AG концерни томонидан тақдим этилган энг замонавий ускуналар ва махсус асбоблар билан жиҳозланган. Улар ёрдамида ҳар қандай таъмирлаш ишларини қисқа муддатда халқаро сифат стандартларига мувофиқ амалга ошириш мумкин. Бу станция мутахассислари концерн ўқув марказларида ўқиб, сертификат олишган.

## ЖОНДОРЛИК ТАДБИРКОР

### республика кўрик-танлови совриндори

Бошловчининг овозидан Саломжон бир қалқиб тушгандек бўлди. У энг яхши тадбиркор номинацияси бўйича ғолиб чиқиб, махсус соврин-рангли телевизорни қўлга киритган эди. Беихтиёр «Ташаббус-2004» республика кўрик-танловининг якунловчи босқичига қадар босиб ўтган ҳаёт йўли кўз олдида қайта жонланди.

Ўшанда Саломжон Исматовга тадбиркорлик режаларини амалга ошириш учун туман ҳокимлиги томонидан барча имконият ва қулайликлар муҳайё этилгани ишнинг тезда юришиб кетишини таъминлади. Аввалига бино, кейин керакли асбоб-ускуналар масаласи ҳал бўлди. Кредит ресурслари етказиб беришда амалий ёрдам кўрсатилди. Натижада «Дарҳақиқат» фирмаси ҳеч қанча фурсат ўтмай ойдин йўлга чиқиб олди.

Фирма етакчиси дастлаб ўз олдига қишлоқ хўжалиги учун керак бўлган дизел ёнилғи насосларини қайта таъмирлашни мақсад қилиб қўйди. Бунинг учун кўплаб эҳтиёт қисмлар керак эди. У бунинг уддасидан ҳам чиқди.

Аввалига «Т-4» тракторларига хизмат кўрсатиш технологияси ўзлаштирилди. Сўнгра «Форд» русумли енгил автомобиллар, кейинчалик «ТТЗ-100» тракторларининг ёнилғи насосларини қайта созлаш имкониятлари яратилди. Натижада буюртмачилар сафида қўшни туман, вилоят вакилларини учратиш мумкин бўлди.

Агар 2000 йилда фирма билан 55-60 та субъектлар шартнома имзолаб, буюртма бера бошлаган бўлсалар, бултур уларнинг сони 100 тадан ошди. Талаб кўпайган сайин, иш сифатига эътибор кучайтирилди. Энди буюртмачилар ёнилғи насосларини 1-1,5 ой муддатда ишлашига кафолат билан ола бошладилар. Бу эса жамоани ишончли ҳамкор сифатида туман ва вилоятда, ҳатто республикада танилиши учун кенг йўл очди. Хориждан харид қилиб келтирилган силлиқлаштирувчи механизм кучидан фойдаланишга ўтилганлиги кичик корхонага жуда қўл келди. Бу ускуна ёрдамида «ТТЗ-100» тракторларининг ёнилғи насослари учун зарур эҳтиёт қисмлар шу ернинг ўзида тайёрланадиган бўлди. Бу эса ўз навбатида механизмларни бошқаларга нисбатан анча арзон, сифатли қилиб йиғиш имконини берди.

Бир сўз билан айтганда, рақобатга дош бериб, ўз ўрни ва мавқеини тобора мустаҳкамлаб бораётган «Дарҳақиқат»га омад кулиб боқди. Фирманинг Шойим Назаров, Малоҳат Шодиева, Сано Исматов, Жасуржон Жўраев, Сулаймон Исматов сингари қўли гул ходимлари бажараётган иш сифатидан мижозлар мамнун.

Мустақиллик туфайли юзага келган иқтисодий эркинлик ва кенг имкониятлар тадбиркорлик этагини маҳкам тутган фирма жамоасини мудом изланишга, янгиликлар яратишга ундади. Дастлаб 4-5 киши билан иш бошлаган аҳил жамоада «Усто-шогирд» анъанаси қарор топтирилди. Тезда ўнлаб ёшларнинг қўли ишга келиб қолди. Айни пайтда бу ерда 20 нафарга яқин киши меҳнат қилаётир. Ўртача ойлик маош 45-50 минг сўмни ташкил этмоқда.

Ҳозир электродвигателларни ҳам созлашга киришилди. Ишчилар қўлида сайқал топган электродвигателлар кўплаб мижоз ва харидорларга манзур бўлаётир.

Ўз меҳнати самарасидан аввало ўзлари баҳраманд бўлаётган жамоа йил моҳиятидан келиб чиқиб, атрофдагиларга ҳам мадад қўлини чўзишмоқда. Кези келганда фирманинг 30-, 32-мактабларга кўрсатаётган беминнат кўмагини тилга олиб ўтмоқ жоиздир.

Дастлаб илм масканларини янги ўқув йилига ҳозирлаш мақсадида олиб борилган таъмирлаш ишлари учун етарлича маблағ ажратилди. Кўп болали, кам таъминланган ўнлаб оила фарзандларига кийим-бош олиб берилди. Мактабларга спорт анжомлари тақдим этилди. «Оқших» қишлоғидаги ногирон болалар ҳам фирма мурувватидан баҳраманд бўлиб турибдилар.

Мамлакат пойтахтида кичик ва хусусий тадбиркорлик учун энг яхши ҳуқуқий ва инвестицион муҳитни таъминлаш номинацияси бўйича ўтказилган кўрик-танловнинг якунловчи босқичи Бухоро вилоятида бу борада катта силжишга эришилаётганини тасдиқлади.

**У.НАВРЎЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## *Меҳнат ардоқлаган кишилар*

## ТЕМИРЙЎЛЧИЛАР СУЛОЛАСИ

***Амударё устига пўлат камар бўлиб, икки қирғоқни бирлаштирган улкан кўприкдан Хоразм-Қорақалпоғистон темирйўли ўтади.***

Мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томирларидан бири бўлган бу йирик иншоотни бунёд этишда юзлаб кўприксозлар билан бирга пўлатиз ётқизувчилар қатнашди. Жайҳун кўприги устига биринчи устунни қоқиш, металл конструкцияларни пайвандлаш, илк бор темирйўл изини ётқизиш ва ниҳоят аср иншоотининг тантанали очилиши жараёни иштирокчилар хотирасида абадий муҳрланиб қолган.

– Унутилмас дамларни гувоҳи бўлганлигимдан фахрланаман, –дейди «Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компанияси Урганч йўл қурилиш бўлими катта устаси Сотимбой оға Матназаров. – Янги йўлнинг қурилиши вилоятимиз иқтисодиётига ҳар йили 300 миллион АҚШ доллари миқдорида фойда келтиради.

Сотимбой оғанинг суяги меҳнатда қотган. Ҳамкасби Ражаббой Саидназаров билан кўп йиллардан бери бунёдкорлик касбини шарафлаб келяпти.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Хоразм воҳасига «пўлат из» лар олиб келган темирйўлчилар сулоласининг давомчиси Сотимбой оға оилавий анъаналарга ҳамиша содиқ қолган. Юзлаб шогирдлари вилоятдаги қурилишда астойдил меҳнат қилиб, устоз ишончини оқламоқда.

Оила аъзолари билан бутун умрини темирйўл хизматига бағишлаган тиниб-тинчимас отахон 30 йилдан бери тармоқда ишлаб келаяпти. Кўп йиллик меҳнатлари эвазига «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

Бугунги кунда тажрибали устанинг умр йўлдоши Моможон Хўжаева ва ўғли Рустам Матназаров ҳам темирйўлда ишлаб ҳурмат қозонишган.

Сотимбой оға ҳар бир юмушни пухта ва сифатли бажаришга одатланган. Шогирдлари Юсуф Эшниёзов, Холмурод Шержонов ва Карим Сумбердиевларни ҳам сидқидилдан ишлашга ўргатди.

... Ўткир чироқларини ёқиб поезд келяпти. Яхши ният билан манзилга отланган минглаб-минглаб йўловчилар тушган, халқ хўжалиги юклари ортилган вагонлар шитоб билан ўтиб бормоқда. Дарё кўприги узра пўлат белбоғдек қорайиб кўринган темир изларга боқиб, Сотимбой оға ҳақли равишда фахрланиб қўяди.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ТЕХНИКА

### имтиёзли кредит шаклида

«Пахтабанк»нинг Нишон тумани бўлими тумандаги бир нечта фермер ва муқобил машина трактор паркларига ТТЗ-80 ва Т-4А русумли тракторлар олиб берди.

«Тошкент трактор заводи» давлат акциядорлик жамиятидан сотиб олинаётган бу техника фермерларга имтиёзли кредит шаклида берилмоқда. Ҳозирга қадар тўққиз фермер хўжалиги ва уч муқобил МТПга ўн бир янги трактор олти йил муддатга кредитга берилди.

## *Бир Фармон шарофати*

## ТЕНДЕР САВДОЛАРИ

### қурилишда сифат ва суръатни таъминлади

***Ўзбекистон Президентининг «Капитал қурилишда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони ижроси бўйича Қашқадарё вилоятида бир мунча ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда бу ерда бир-биридан кўркам иморатлар қад кўтараяпти. Ҳозирги замон меъморчилигининг сўнгги ютуқлари асосида барпо қилинган замонавий турар-жойлар, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, тиббиёт муассасалари киши эътиборини ўзига тортади.***

Қурилишда танлов савдоларини шакллантириш иш сифатини яхшилаш, суръатини жадаллаштириш имконини берди. Йилнинг ўтган ойларида 10 марта тендер савдолари уюштирилиб, ҳар бир иншоот учун 3 тадан 6 тагача талабгор пудратчи иштирок этди. Қирққа яқин жамоалар қатнашган танлов савдоларида 4 та хусусий корхона, 6 та очиқ ҳиссадорлик ва масъулияти чекланган жамиятлар ғолиб чиқди. Уларнинг фаолиятига юксак талабчанлик билан баҳо берилганлиги туфайли бошланғич баҳоси 18 миллиард 397 миллион 689 минг сўм нархлар қайта кўриб чиқилиб, буюртмачиларнинг 1 миллиард 569 миллион 508 минг сўм маблағи тежаб қолинди.

– Тендер савдоларини ўтказиш жараёнида махсус гуруҳ томонидан талабгор ташкилотларнинг иқтисодий, молиявий ва техник аҳволи, материал заҳиралари, мутахассислар малакаси ҳамда бошқа кўрсаткичлар пухта ўрганилиб, чуқур таҳлил қилинади, - дейди биз билан суҳбатда капитал қурилишда танлов савдолари ва нархни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази директори Ҳайит Жониев. – Фаолияти ижобий баҳоланган талабгор ташкилотлар орасидан ғолиблар аниқланаяпти.

Қарши шаҳрининг қоқ марказида 1200 ўқувчига мўлжалланган академик-лицей бунёд этилаяпти. Бино қурилишининг бошланғич нархи 2 миллиард 750 миллион сўм эди. «Вилжамхўжқурилиш» трестига қарашли 231-хўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма тендер савдоларида 2 миллиард 310 миллион сўм баҳоси билан ютиб олди. Бунинг натижасида буюртмачининг 440 миллион сўм маблағи тежаб қолинди. Ҳозирги пайтда қурилиш ускуналаш юмушлари жадаллик билан олиб борилаяпти. 500 дан ортиқ малакали қурувчилар вахта усулида меҳнат қилишаяпти. Асосий бинода пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Касби туманининг Майманоқ қишлоғидаги 900 ўринли касб-ҳунар коллежи қурилиши 482 миллион 386 минг сўмга камайтирилди.

Тендерда ғолиб чиққан «Саноатқурилишресурс» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари иш суръатини тобора оширмоқдалар. Қурилишда моддий техника таъминоти, ишчи кучи сафарбарлиги яхши йўлга қўйилган. Президентимиз Фармони асосида болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Қарши шаҳрида бунёд этилаётган олимпия захиралари коллежини 19-«Деҳқонқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти тендер савдосида 8 миллиард 103 миллион сўмлик нарх билан ғолиб чиққан эди. 600 ўринли ўқув биноси ва 200 ўринли ётоқхонадан ташқари катта спорт зали, 20 минг томошабинга мўлжалланган стадион, ҳар хил спорт турлари учун майдончалар, ёпиқ сув ҳавзаси қурилаяпти.

Қамаши тумани Қизилтепа қишлоғидаги 600 ўринли 11-касб-ҳунар коллежини «Элёр» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси қайта таъмирлаяпти. 772 миллион 740 минг сўм маблағ сарфланадиған бу таълим муассасаси 2004 йилнинг 2 августига қадар фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, Шаҳрисабздаги Мироқи қўрғони, Нишон туман маркази, Яккабоғдаги Маданият посёлкасидаги касб-ҳунар коллежлари, Миришкордаги Авазчўл, Китобдаги Сариосиё қишлоқларида болалар спорт иншоотлари қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилаяпти.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

## ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА



Куни кеча Бухоро вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси тизимда узоқ йиллар самарали фаолият олиб бориб, ҳозирда кексалик гаштини сураётган 50 нафар фахрий ўқитувчига бағишлаб маданий-маърифий тадбир уюштирди.

Касабақўм вакиллари кексайиб қолган устозлардан ҳол-аҳвол олиб, қўмита совғаларини топширишди. Фахрий муаллимлар Бухоронинг муқаддас қадамжоларига саёҳат қилдирилди.

Улар иштирокида ташкил қилинган давра суҳбати эса ғоятда эсда қоларли ўтди. Фан ва таълимга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшган марҳум олиму муаллимлар хотираси, эзгу ишлари ёдга олинди. Устозлар соҳадаги бугунги муаммолар ечими хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Ёш ҳаваскорлар ижросидаги куй-қўшиқлар нуронийлар қалбига бир олам завқ улашди. Кеча сўнгида уларга вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

**Т.ШЕРНАЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***«Ўзбектелеком»нинг Навоий вилояти бўлими воҳадаги талай шаҳар ва қишлоқларга замонавий АТСлар ўрнатди. Алоқа имкониятларининг кенгайганлиги сабабли қўшимча хизматга талабгорлар кўпаймоқда.***

## ХУСУСИЙ СЎЗЛАШУВ МАСКАНИ

- Соҳада мулкчилик шаклини ўзгартириш яхши самара бермоқда, - дейди филиал директори Бозорали Тўнғишбоев. - Навоий шаҳридаги 10-микротуманда хусусий сўзлашув маскани ишга тушди.

Айни пайтда бундай алоқа масканлари барча туманларда ташкил этилмоқда. Шу тариқа замонавий усулда жиҳозланган хусусий сўзлашув пунктларига 110 телефон рақами ижарага берилди.

## БОЙСУНДА КЎРИШГУНЧА!

Ўзбекистон Бадиий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида жорий йилнинг 16-20 май кунлари бўлиб ўтадиган «Бойсун баҳори» учинчи фольклор фестивалига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Таъкидландики, 2001 йилда ЮНЕСКО Бойсун маданий ҳудудини инсониятнинг оғзаки ва номоддий мероси дурдонаси деб эълон қилди. «Бойсун баҳори» очиқ фольклор фестивалини ўтказишнинг бош сабабларидан бири бу тоғли ўлка халқи маданиятини жаҳон жамоатчилигига таништиришдир. Бу маданий тадбир анъанага айланди ва ҳар йили фольклор мусиқа, қўшиқ ва рақсларни ижро этувчи энг яхши ҳаваскор ва профессионал ижрочилар, халқ ҳунармандларини тўплайди.

Аввалги фестиваллардаги каби халқ санъатининг байрамини ҳамюртларимиз билан бирга Япония, Германия, Швейцария ва бошқа мамлакатлардан келган хорижлик меҳмонлар томоша қилади.

Бойсундаги ноёб халқ маданиятини сақлаш ва ривожлантириш -ЮНЕСКОнинг минтақадаги фаолияти устувор вазифаларидан биридир. Бойсуннинг бой маданий меросини ўрганиш учун мазкур халқаро ташкилот, Ўзбекистон ва Япония олимлари, «Бойсун» маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва бошқа ташкилотлар кўмагида комплекс Бойсун илмий экспедицияси ташкил этилди. Ҳозирги пайтда экспедиция илмий ишларининг иккинчи тўплами нашрга тайёрланмоқда.

«Бойсун баҳори-2004» дастури очиқ концертлар, халқ сайллари, фольклор ансамбллар кўриги, ёш модельер-дизайнерлар танлови, халқ ҳунармандчилиги кўргазма-ярмаркаси, бахшилар мусобақаси, экскурсиялар, илмий-амалий семинарлар ва давра суҳбатларидан ташкил топган. Бу галги фестивалнинг янгилиги шундаки, бу йил биринчи марта Ўзбек миллий академик драма театри жамоасининг «Аёлғу» спектакли намойиш этилади, кўпкари ўтказилади.

**(ЎзА)**

# ВАТАН МАРД ВА ФИДОЙИ ФАРЗАНДЛАРИНИ УНУТМАЙДИ

## ЁДГОРЛИК ПОЙИДА ГУЛЛАР, ЛОЛАЛАР

Ҳар гал уруш ҳақида ёзиш учун қўлимга қалам олганимда оппоқ қоғозга қон сачрагандек сесканиб кетаман. Кўз ўнгимда уруш фожеалари, вайронага айланган шаҳар-қишлоқлар, фарзандидан жудо бўлган оналар фарёди, ота-онасидан етим қолган гўдаклар оҳу ноласи, уйларнинг тўрида аскар йигитлар тишлаб кетган нонлар, сандиқларда сарғайиб эгасини кутаётган куёв сарполари... Эҳ-ҳе, улар шунчалик оғир, залворли хотираларки, ўйлаганинг сари урушнинг манфур башарасини кўргандек бўласан.

– Урушнинг номи ўчсин,– дейди юз ёшнинг остонасида турган Марямхон ая Аҳмедова, – умидларимни саробга айлантирди. Аввал турмуш ўртоғимдан айрилдим, сўнгра кўзимнинг оқу-қораси ёлғиз фарзандим Фарҳоджон фронтга кетди. Ўғлимнинг йўлига кўз тутиб ўлиб-ўлолмайман, тирик яшаб муродимга етолмайман. Тиқ этса эшикка қарайман. Э воҳ, уруш оловини очганларнинг ҳам оналари бормикан?!

Онахоннинг ҳақли саволига жавоб ахтараман. Тарихчиларнинг эътироф этишларича, инсониятнинг сўнгги беш минг йиллик ҳаёти давомида 14 мингдан ортиқ уруш қайд этилган. Бу урушларнинг аксарияти ер ва мансаб, бойлик ва мартаба талашишдан келиб чиққан. Уларда 5 миллиарддан ортиқ кишиларнинг умри бевақт хазон бўлган. Икки калима сўз билан ифодаланаётган бу рақам ортида қанчадан-қанча армонга айланган орзу-ниятлар, хазон бўлган умрлар бор. Биргина иккинчи жаҳон урушини олиб кўрайлик. 60 дан ортиқ давлатлар иштирок этган бу фожеага 110 миллиондан ортиқ киши сафар-



бар этилган. 90 миллиондан ортиқ киши ярадор бўлган. 50 миллиондан ортиқ аскарлар жанг майдонларидан қайтмаган.Бедарак кетганлар бу рўйхатга кирмайди. Фронт ортида уруш заҳрини тортганларнинг эса сон-саноғи йўқ. Маънавий йўқотишлардан ташқари иккинчи жаҳон урушида моддий талофатлар 4000 миллиард долларни, соф ҳарбий харажатлар эса 1117 миллиард долларни ташкил этган. Ҳали бу рақамларга вайрон бўлган қишлоқлар, ёниб кулга айланган завод-фабрикалар кирмайди.

Ҳа, иккинчи жаҳон уруши инсоният, тараққиёт ва эзгуликка қарши отилган тавқи-лаънат эди. Бу офатнинг алангасида Ватан, халқ учун мардона курашган оталар жасорати яширинган. Шу боис биз уруш фахрийларини қадрлаймиз. Уларни давраларимиз тўрига ўтқазиб, эъзозлаймиз. Улар эса сўнаётган юлдузлардек ҳар куни камайиб бормоқдалар. 5-6 йил олдингидек кўчаларни тўлдириб юришмайди, қўлтиқтаёққа суянганларни ҳам учратмайсиз. Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан 9 май умумхалқ байрами — Хотира ва Қадрлаш куни сифатида нишонланмоқда. Бу йил мазкур сана Меҳр ва мурувват йили тадбирлари билан уйғунлашиб кетди. Республикамизнинг ҳар бир маҳалла ва гузарларида ўтганларнинг руҳи шод этилиб, уруш ва меҳнат фахрийларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда. Айниқса, пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерда уруш ва меҳнат фахрийлари айниқса ёшлар ўзгача ҳурмат ва ихлос билан оқиб келаётирлар. Шу муносабат билан янада зеболанган зиёратгоҳда эса маъюс бир сукунат кезади. Майдон узра таралиб турган вазмин мусиқа садолари ҳам, эсаётган майин шабада ҳам зиёратчилар кўнглида маҳзун туйғулар уйғотади. Қалбда ватанпарвар аждодларимиз хотираси бош кўтаради. «Мотамсаро она» сиймоси эса Ватан тимсоли бўлиб юракларга жойланади. Гўё у миллат онаси сифатида шаҳид кетган фидойи фарзандларини «Сен ҳамиша қалбимдасан, жигарим» деб бағрига босиб турганга ўхшайди. Унга боқиб, уруш даҳшатини, машъум йиллар нафасини ҳис қиласан киши. Зиёратгоҳда эса одамлар тўлиб боради. «Мотамсаро она» ҳайкали пойи гулларга бурканади, ёшлар ички бир эҳтиром билан шаҳид кетган ватандошларининг табаррук номлари зарҳал ҳарфлар билан битилган айвондаги лавҳаларни ўқишади.

Ҳа, бугунги дориломон кунлар қадрига етмоқ учун ўтмишдан сабоқ чиқармоқ, боболар жасоратини ёдга олмоқ керак. Негаки, улар, тарихнинг тирик гувоҳлари. Тарих эса бизнинг ўзлигимиз, маънавий меросимиз.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Буюк истиқлолга биз хотиралар сабоғи ва қадрлаш фазилатимиз билан етажакмиз.

**Амина ҚОДИРОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

***Ишхонамиз катта даргоҳ эди. Баъзида ҳар хил ҳолатлар бўлиб туриши табиий. Кунларнинг бирида котиба хат олиб кириб қолди. Унга кўзим тушдию ҳушёр тортдим. Мактуб Зулфияхоним муҳаррирлик қилаётган «Саодат» журналидан. Унда шундай сатрлар бор эди: «...«Саодат»нинг навбатдаги сонини вақтида сифатли чоп этиб берганлари учун босмахона жамоасига миннатдорчилигимизни етказишингизни сўраймиз. Иноқ жамоага омад тилаб Зулфия».***

## САДОҚАТ РАМЗИ

Ўша кезлар кўнгилдагидек бажарилмаётган бир ишдан дилим ғаш эди. Хат чуқур ўйга толдирди. Беихтиёр опанинг «Бир нарсадан ҳафа бўлишга ҳеч қачон шошилманг, салда ўрнига тушиб кетадию бекорга асабийлашганингиз қолади», деганларини эсладим. Унда ёш эдим. Ҳарф терувчиликдан босмахонанинг нашрларни тарқатиш бўлимига эндигина ишга ўтгандим. Асосий эътибор матбуот нашрларининг жойларга вақтида етиб боришини таъминлашга қаратилганди. Газеталарда кечикиш бўлмасдию, журналларда онда-сонда шундай ҳол юз бериб турарди. Машинада қандайдир албом босилар, «Саодат» журнали беш кунга кечикаётганди. Албомни бир-икки кун ушлаб турилса, ҳеч нарса ўзгармасди. Шу фикрни айтишга истиҳола қилардим. Сабаби бу ишнинг бошида ёши улуғ кишилар туришарди. Кечагина келиб, бугун ақл ўргатаяпсанми, деган фикрга боришлари мумкин эди. Ўшанда отамнинг бир ҳикматли сўзларини эсладим. «Болам, олдингга икки хил таом қўйишди. Бири совисаям хуштаъмлигини йўқотмайди, иккинчиси аксинча. Овқатланишни албатта иккинчисидан бошлайсан. Янглишма, ишда ҳам худди шунақа бўлади». Ўгит далда бўлиб устозларга фикримни айтдим. Масала директоргача чиқди. Раҳбар ёши улуғ кишиларнинг ҳурматини қилди. Ёш мутахассис ҳақ, деб уларни ноқулай аҳволга қўйгиси келмади. Ўйлаб кўриб, бир қарорга келамиз, деб бизларга руҳсат берди.

Ўзимни ноқулай сезиб, ўнғайсизланардим. Шунда йўлакда опага дуч келдим. Зулфияхоним ниҳоятда зийрак инсон эдилар. Бир қарашдаёқ ҳаммасини сездилар. Ва самимий табассум ила «мен билан юринг» деб иш жойларига бошладилар. Бор гапни айтдим. «Ҳали биз ҳақимизда қайғуриб юрибсизми, ўргилай сиздан» дедилар-да, юқорида баён этилган панд-насиҳатни айтдилар.

Анча енгил тортдим. Кечга бориб ҳамма нарса ўзгарди. Директор қўнғироқ қилиб, сен айтгандай бўлди, журнал вақтида чиқишини муҳарририятга айтиб қўй, деди.

– Айтмабмидим, Исломжон, – деди опа хурсанд бўлиб, – мен ҳам сабр қилиб турган эдим. Бир нарса десам, сиз шикоят қилган бўлиб қолманг, кимлардир буни нотўғри тушуниши мумкин, деб ўйладим...

Зулфия дейилса кўз олдимда ғоятда зийрак, камтарин, оққўнгил, қадди-басти ғururидек тик, айни пайтда самимияти кучли инсон келади. У инсон шаъни, қадр-қимматини ҳамиша биринчи ўринга қўяр эди. Баъзи оилавий келишмовчиликларда корхонамизга ёрдам берардилар. Нозик дамларда ҳаётий тажрибаси, донолиги асқотарди. Кўпчилик яна бир нарсани таъкидлашади. Опанинг қўлида турли вақтларда кўпдан-кўп хотин-қизлар меҳнат қилишди. Зулфияхоним уларни ҳамиша суяр, зарур бўлганида амалий ёрдамини аямасди. Кунларнинг бирида «опа, шу қизларингизни кўп эркалатасиз-да» дея юзландим. Сабабини биласизми, дедилар. Савол назари билан юзландим. Айримларининг кўнгли ярим...

Ўйланиб қолдим. Ахир севимли шоирамизнинг ўз кўнгли бутунми? Умр мобайнида кимнидир қўмсаб, Саодат соҳибаси бўлиб яшаб келаяптилар-ку?! Аммо ўзидан ўтганини ўзгага бирдирмасдилар. Ғурур билан, ҳаётга ташналик билан яшарди. Табаррук номи мангуга битилган бундай инсонлар ҳаёти биз учун ҳамиша намунадир.

**Ислом ШОҒУЛОМОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**



## ЁДИНГДАМИ ДЎСТИМ, ЖАНГ СУРОНЛАРИ

Сокин қишлоқ оқшоми. Юлдузлар чамани кўзни қамаштиради. Жуманиёз ота осмонга тикилар экан хотиралар оғушига чўмди.

У 1941 йилнинг декабр ойида урушга жўнаганда мўйлови эндигина сабза урган йигитча эди. Ҳарбий тайёргарликдан кейин Жуманиёз Султонов илк бор Москва шаҳри учун бўлган жангларда қатнашди. Ғарбий фронтнинг маршал Рокоссовский қўмондонлигидаги 91-ўқчи полкида ҳаёт-мамот жангларида қатнашиб, икки марта қаттиқ яраланди.

1944 йилнинг 19 августини ҳамон ҳозиргидай эслайди Жуманиёз ота. Худди шу куни Каунасни озод қилиш учун полк Неман дарёсини кечиб ўтиши керак эди. Тиш-тирноғигача қуролланган душман қаттиқ қаршилик кўрсатди. Пулемётчи Ж.Султоновга душманга ўт очиб қуролдош дўстларини ҳимоя қилиш топширилди. Отишма қанча давом этди,ёдида йўқ. Бир пайт душман снаряди унинг пулемёти ёнгинасига келиб тушди. У госпиталда ўзига келди. Тупроқ остида қолиб кетган жасур пулемётчини дўстлари ўлимдан сақлаб қолишган экан.

1945 йилда Кенсберг, Шарқий Пруссия ва бошқа кўплаб шаҳар ва қишлоқларни фашистлардан озод қилишда фаол қатнашди.

Ёруғ юз билан қишлоғига қайтган Ж.Султонов бутун вужуди билан ишга киришиб кетди. Олий маълумот олди. 15 йилдан ортиқ ўрта мактабда ёшларга тарих фанидан таҳсил берди. Узоқ йиллар туман Тайёрлов идорасида фаолият кўрсатди.

Фарзандлар камолини кўриш ҳар бир ота-онанинг орзу-армони. Жуманиёз ота қирғинбарот урушдан ўлимларни доғда қолдириб қайтганидан сўнг ҳаёт йўлини Зуҳра Матқурбонова билан боғлади. Улар 13 нафар ўғил-қизни оқ ювиб, оқ тарашди. Бугун улардан бахтли одам йўқ. Санамжон, Султонбой, Аминбой, Зумрат, Ёқутжонлар шифокор, Махмуджон тадбиркор, Эгамбой, Сайёра, Ширин ва Шакаржонлар ўқитувчи Рахмон Султонов эса Қўшкўпир туман электр тармоқлари корхонасида муҳандис.

Ҳозирда Жуманиёз Султонов 84 ёшда. Зуҳра момо билан 100 нафарга яқин невара-чеваралар қуршовида Қўшкўпир туманидаги «Ших» қишлоғида умргузаронлик қилмоқда.

Отахон қишлоқ фахрийлар кенгаши раиси сифатида қишлоғидаги ҳар бир жамоат ишларига бош-қош.

Унинг саъй-ҳаракати билан янги қабристон, мотамсаро она ёдгорлиги барпо этилди ва кўплаб ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Жуманиёз ота ана шулар ҳақида ўйлар экан, инсондан эзгу ишлар хотира бўлиб қолишини яна бир бор қалбдан ҳис қилди.

**Болтабой ЭРНАФАСОВ**

## ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

Яхшиямки хотирлаш деган юксак бир туйғу бор. Бот-бот ортда қолган воқеалар, ҳаётдан кўз юмган инсонлар, бугунимизга туташиб кетган залворли излар ёдга олинади. Бобом – Нарзулла Абдураҳмонов ўқитувчи деган шарафли номга умрбод содиқ қолган, фидойилардан эди.

Қатор йиллар мобайнида мактабда касаба уюшма бошланғич ташкилотини бошқариб, таълим фидойиларининг суянчиғи бўлди. У Абдулла Авлонийнинг «Тарбия – биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот ё ҳалокат, ё садоқат ё фалокат» деган пурмаъно сўзларини ўзига шиор қилиб олган эди. Аввал мактабда ўқитувчи сўнгра директор ўринбосари, илмий бўлим мудири ва кейинчалик мактаб директори лавозимларида ишлади. Устозим нафақат мактабни, қолаверса, ўзи туғилиб ўсган қишлоғини обод қилиш, кўркам бир гўшага айлантиришга интилди, ибратли, саховатли ишларни амалга ошириб, эл олқишига сазовор бўлди.

Оилада ҳам ўз ўрнига, иззат-икромга лойиқ эди. Тўққиз фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозирда фарзандлари оталари чироғини ёқиб, у амалга оширолмай қолган орзу-армонларини рўёбга чиқаришмоқда.

Бобом қариндошлари – ака-ука ва сингилларини ҳам доимо меҳрли, эътиборли бўлишга даъват этар, ҳамиша бир-бирига меҳр кўзи билан қарашни, доимо иноқликда яшашни уқтириб турарди. Оға-инилари, маъракаларида ҳамиша бош-қош бўлиб турар эди. Меҳр кўзда иборасига жуда қаттиқ амал қиларди.

У киши ҳақидаги хотираларни ёдга олар эканман, бобом босиб ўтган ҳаёт йўли биз ёшлар учун ибратли йўл эканлигига яна бир бор амин бўлдим. Ҳа, умр оқар дарё экани рост экан. Бугунги ва келажак авлод ўтган тарихни ҳамиша хотирлаб бориши зарур деб ўйлайман.

Бобом давом эттира олмаган ишларни фарзандлари , шогирдлари ўз самарали меҳнатлари билан фахр ила давом эттирмоқдалар.

**Саидмурод ТОҒАЕВ,**
**Дўстлик туман халқ таълими бўлими назоратчиси**

***Асқар Нормуродов ўз касбини мукаммал эгаллаган, шогирдлари қалбида илм чироғини ёқиб, уларни эзгу ишларга бошлаган фидойи муаллим эди. У 40 йилдан ортиқ маориф соҳасида ҳалол ишлади. Ҳар бир шогирдининг қувончи, бахти, келажаги учун ўзини ўтга, сувга урарди. Мактаб унинг қисмати, ҳаётининг мазмуни эди. Минглаб иқтидорли шогирдлар қатори бир-биридан оқил ва доно, тадбиркор ва ишбилармон фарзандларини элга қўшиб бу фоний дунёда ўзидан яхши ном қолдириб кетди. Асқар муаллимнинг эзгу ишларини унинг 6 ўғли ва 2 қизи давом эттирди.***

## БОҒЛАР УНДАН ХОТИРА

Мамлакатимизда ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўл очилганда биринчилардан бўлиб, катта ўғли Акмал даврага кирди. Укалари Али, Акбар, Анвар, Ҳасан, Ҳусанларни қаватига олиб эл-юртга манфаати тегадиган савобли ишларга бел боғлади. Ака-укалар довруғи Шофиркондан Бухорога, Бухородан пойтахтгача ёйилди. Яхшилик яхшиликка йўл очди. Элнинг дуоси билан тадбиркорларнинг бир моли ўн, бир ҳовлиси бир қишлоқ бўлди. Ҳамқишлоқлари йўлини яқин, манзилини бехавотир қилиш ниятида бошлаган ишлари ривож топиб «Форд» йўловчи ташиш машинаси ёнига хориждан иккита автобус олиб келиб, вилоятлараро қатновни йўлга қўйишди.

Ҳасанжон ака-укаларидан фарқли ўлароқ ерга, деҳқончиликка меҳр қўйди. Олис Қоровулбозор туманида «Сайёра-Ситорабегим» фермер хўжалигини ташкил қилиб, 20 гектар ерга деҳқончилик қилди. 10 гектар ерга пахта, қолган ярмига ғалла экди. Чўлнинг жазирама иссиғи-ю, қаҳратон совуғига беписанд янги очилган қўриқ ерда меҳнат қилди. Ерга эгалик ҳисси, деҳқончиликка меҳр-муҳаббат, қолаверса, ҳалол меҳнат ўз самарасини берди. Кўзланганидан ошириб ҳосил олди. Шофиркон билан Қоровулбозор туманлари орасидаги масофа жуда узоқ эди. Бийдек чўлда, оиласи, фарзандларидан олисда меҳнат қилишга ҳар кимнинг ҳам юраги дов бермасди. Ҳасанжон эса машаққатлардан роҳат изларди. Ҳар йили ерга уруғ ташланган ва ҳосил йиғиб



олинган кун унинг даласида катта байрам, тўй бўларди. Ака-укалар қатори ёру биродарлари, дўстлари унинг муваффақиятларидан қувониб, ҳашар баҳона «ҳорманг»ларга чиқишарди... Ўша кун ҳам Ҳасанжон онаси Сайёра аядан оқ фотиҳа олиб, отасининг қабрини зиёрат қилиб, ерга барака уруғи қадаш учун Қоровулбозорга кетаётган эди. Майдонлар экишга тайёрланган, агрегатлар ҳам дала бошида тайёр турарди. У эса чигитни тракторга ортиб, ўзи «Дамас» автомашинасида йўлга чиқди. Аммо ноxуш тасодиф туфайли автоҳалокатга учради...

Қазо ҳақ, ўлимдан ҳеч ким қочиб қутилмайди. 28 ёшли Ҳасанжоннинг маъракасига келганлар унинг фазилатини, саховатпешалигини кўзда ёш билан ёд этишди. У ёш бўлса-да, ўзининг меҳри, мурувватi билан қалбларга эзгулик шамини ёқиб улгурган эди.

- Фарзандлар оналарнинг юрагига кўмиларкан, - дейди Сайёра ая, - Оналар учун фарзанднинг яхши, ёмони бўлмайди. Аммо Ҳасанжоним бошқача эди. «Онажон» деб эшикдан кириб келганда кўксим тоғдек кўтариларди. Отасидек келбатли, бир сўзли эди. Режадан ташқари етиштирилган ғаллани ишчиларга адолатли тақсимлар, ака-опалари қатори дўстларига ҳам саховат кўрсатарди.

Ҳасанжон бошлаган эзгу ишларни унинг укаси Анваржон давом эттирмоқда. Қолаверса, оқила умр йўлдоши Шаҳнозахон, икки фарзанди Жамшиджон ва Мадинабонулар унинг ҳаёт йўлининг издошлари.

Бу йил баҳорда Ҳасанжон эккан ниҳоллар гулга кирди. Ўриклар довучча тугди. Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан хонадонига йиғилган дўсту биродарлар унинг ҳақига дуо қилиб, элга ош тортишди. Шу куни сим-сим ёмғир ёғиб турди. Ҳасанжон баҳорнинг ёмғирли кунларини севарди, айниқса, тупроқ ҳиди гуркираб турган она замин, кенг далалар унинг кўнглига яқин эди. Бугун Қоровулбозор чўлларида у ташкил этган фермер хўжалиги даласида эккан ниҳолларида, денгиздек чайқалган ғаллазорларида, яшил лентадек тизилган пахтазорларида унинг руҳи кезиб юрибди.

**А.НАБИЕВА**

## КАСАБА УЮШМА ЖОНКУЯРИ ЭДИ



Холиқ Бақоевни Бухорода танимайдиган киши кам бўлса керак. У қисқа умри давомида тилга олса арзигулик ишларни уддалади. Минг афсуски, бевақт ўлим Холиқжонни жуда эрта, айни навқирон ёшда орамиздан олиб кетди.

Х.Бақоев Вобкент туманининг Кумушкент қишлоғида туғилиб ўсди. Тошкент қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва муҳандислик институтини битирди. Оддий ирригатор сифатида қадрдон туманида иш бошлаган ёш мутахассис деҳқончилик маданиятини ривожлантириш, мўл-кўл ҳосил етиштириш ва шу йўл билан қишлоқ аҳли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшди. Кейинчалик, у турли лавозимларда ишлади. Вилоят ёшлар саркотиби сифатида тенгқурларини бунёдкорлик ишларига ундаса, «Бухороқурилиш» трестида бўлим бошлиғининг ўринбосари «Бухоросувтаъмир» бирлашмасида касабақўм раиси вазифаларида ишлаган пайтларида эса меҳнаткаш омма манфаатларининг чинакам ҳимоячиси сифатида танилди.

Унинг энг жўшқин, ҳаётида ёрқин из қолдирган дамлари, яъни меҳнат фаолиятидаги унутилмас даври Бухоро вилоят касаба уюшмалари билан узвий боғлиқдир. У салкам 15 йил Агросаноат тармоғида вилоят қўмитаси раиси ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатди. Талабчан ва ғамхўр бу инсон касаба уюшма аъзоларининг ишончини қозониб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини толмай ҳимоя қилди. Кўплаб ноҳақ ишдан бўшатилган инсонлар йўлига чироқ, қалбига малҳам бўлди.

Тўплаган бой тажрибасини туман ва қуйи ташкилотлар билан баҳам кўришга мудом ошиқди. У бундан олам-олам завқ оларди. Нима бўлганда ҳам кимларгадир нафи тегаётганлигидан, касаба уюшмалари аъзолари меҳрини ва ҳурматини қозонаётганлигидан мамнун эди.

Афсус, у жуда эрта кетди. Беихтиёр Маҳмуд Тоирнинг қуйидаги сатрлари хаёлда чарх уради:

*Дунё қолсин, биздан қолсин,*
*Лекин ёруғ юздан қолсин.*
*Гул очилган издан қолсин,*
*Ёшин яшаб ўтсин одам.*

**У.СОЛИҲОВ.**

***Йўлдош отанинг йигитлик даври энг оғир дамларга тўғри келган. Отахон умр йўли ҳақида шундай эслайди:***

## ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА

– Ёшлик йилларим коллективлаштириш даври кулфатларини бошдан кечирдим. Айни йигитлик кучига тўлганимда уруш бошланиб қолди. Жанглардан бирида оёғимдан яраландим, бомба остида қолиб контузия олдим. Урушдан сўнг оила қуриб, тўрт ўғил, уч қизли бўлдим. Дастлаб хўжаликда ёшлар етакчиси, сўнг бошланғич мактабда ўқитувчилик қилдим. 1957 йилдан 1982 йилгача хўжаликда ишлаб, қарилик нафақасига чиқдим.

Бир қарашда унинг ҳаёти бошқаларникидан унча фарқ қилмайди. Лекин отахоннинг ажойиб фазилатлари ҳам борки, улар ҳақида гапирмасдан бўлмайди.

– Нафақага чиққанимдан сўнг, қариликнинг белгилари кўзга ташлана бошлади. Бир куни оёғим оғрийди, бир куни белим. Ишлаб ўрганган одам ҳеч ҳам бекор ўтира олмас экан, - дейди Йўлдош бобо. – Шунда хаёлимга юртимизнинг зиёратгоҳ жойларини пиёда айланиб чиқсам деган ўй келди. Бу ният бутун ўй-хаёлимни эгаллаб олди.

Бобо ўз мақсадини туман раҳбарларига айтганда, «Қари одамсиз, бунинг устига уруш ногирони бўлсангиз, йўлда соғлиғингиз панд бериб қолиши мумкин. Саёҳатга чиқмоқчи бўлсангиз транспорт берайлик» дейишди. У сўзида қатъий туриб олгач ноилож рози бўлишди. «Китоб сайёҳ» фирмаси орқали ҳужжат тайёрлади-да, 2000 йил 29 июлда Китобдан Тошкентга пиёда йўлга чиқди.

Отахон қайси манзилга етиб бормасин, ўша жойнинг оқсоқоллари, раҳбарлари, яхши инсонлари очиқ юз билан кутиб олишар, иззат-икром кўрсатиб йўлга кузатиб қўйишарди. Отахоннинг «Тошкентга саёҳат» номли кундалигини варақласангиз, 62 манзилда қўноқ бўлгани ҳақидаги белгиларга кўзингиз тушади. Бу кундаликда Самарқанд вилоят ҳокимлиги вакили, Жиззах тумани ҳокими, Сирдарё вилояти ҳокими ўринбосари, республика «Маҳалла» жамғармаси раиси, Чирчиқ шаҳар ҳокими, йирик-йирик зиёратгоҳларнинг мутаваллилари, оддий инсонлар, маҳалла оқсоқолларининг дастхатларини кўриш мумкин.

Йўлдош ота Турсунов 34 кун пиёда 500 километрдан ортиқ йўл юриб,31 август куни Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳрига етиб келади ва Мустақиллик байрамини шу ерда нишонлайди.

– Тошкент сафаридан кейин, ўзимни анча тетик ҳис қила бошладим. Энди «Китоб-Қарши-Бухоро-Нурота-Самарқанд» йўналиши бўйича саёҳат қилишни ихтиёр этдим, - дея ҳикоясини давом эттиради отахон.

2003 йил 22 сентябр куни у мазкур йўналиш бўйича яна пиёда йўлга чиқди. Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларини айланган Йўлдош бобо 68 кунда 600 километр йўл босиб, эсон-омон уйига кириб келди. Бу гал ҳам отахонга «Сафар дафтари» ҳамроҳ бўлди. Юртимизнинг 112 гўшасида бўлган зиёратчига Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида хорижлик сайёҳлар ҳам қизиқишиб, у киши билан эсдалик учун бирга суратга тушишибди. Айни пайтда дунёнинг Германия, Австралия, Франция, Дания ва АҚШ каби йирик мамлакатларидан отахон номига хат-хабарлар, турли фотосуратлар келиб турибди.

– Сафарим чоғида халқимизнинг нақадар бағрикенглигига, юртимизда амалга оширилаётган кўпдан-кўп савобли ишларга гувоҳ бўлдим, - дейди Йўлдош ота қувониб. – Мамлакатимизнинг тинчлиги, шаҳарларимизнинг ободлиги, барчаси Мустақиллик меваси эканлигига иймон келтирдим. Илоё, юртимизга, саховатпеша кишиларимизга кўз тегмасин.

**НУРБЕК**

*Илҳом*

## АЗИЗ

*Дўстларим, бу кенг олам сафоси билан азиз,*
*Ранг-баранг неъматлари, саҳоси билан азиз.*

*Дарёлар суви билан, денгиз дурлари билан,*
*Дур, ёқут ва олтинлар баҳоси билан азиз.*

*Буюклари йўқ элнинг қадр-қиммати бўлмас,*
*Эл-улус ҳайратомуз даҳоси билан азиз.*

*Неки бор бир-бирига чамбарчас боғлиқ, Тўра,*
*Қуёш ҳам таратган нур-зиёси билан азиз.*

## КИМ КУЙМАСА

*Ҳеч бир киши ўзининг ишидан ортган эмас,*
*Бировлар азобини бировлар тортган эмас.*

*Иймони йўқнинг иши ваҳшийлик, ёмонликдир,*
*Виждонли кишилар ҳеч Ватанни сотган эмас.*

*Орзуга айб йўқдир, битмас ишнинг ўзи йўқ*
*Ким куймаса, муҳаббат лаззатин тотган эмас.*

*Фурсатни бой бермасдан ижод қил тинмай, Тўра,*
*Турибди порлаб қуёш, ҳали у ботган эмас.*

## ЯХШИЛИК ҚИЛ

*Қанча бўлса яхшилик, шу ёруғ дунёда қил,*
*Ўзгага чироқ тутиб ўз йўлинг зиёда қил.*

*Отдан тушиб, эгардан тушмаганни аяма,*
*Омон бўлсин жон десанг, уни тез пиёда қил.*

*Катта-кичиги бўлмас меҳнатни билган учун,*
*Луқмаи ҳалол билан ўзлигинг ифода қил.*

*Тўсиқ кўрмай жаннатга кирайин десанг, Тўра,*
*Қанча бўлса яхшилик, шу ёруғ дунёда қил.*

**Тўра ЖУМАН,**
**уруш ва меҳнат фахрийси**



# ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

*Бир ҳовуч гавҳар*

## ХОЖА АҲРОР ҲИКМАТЛАРИ

Илмни дунё (мол-мулк) орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдиргувчи олимлардан узоқ бўлмоқ керак. Такаббур (манманлик) ниҳоятда хосиятсиз ва оқибатсиздир. У охири хўрлик ва пастликка олиб келади. Айтибдурларким, ҳар ким ўзининг ҳолига яраша камтарлик ва хушмуомалаликни эгаллаб борса, хусусан бу давлат ва бойлик эгаларига зарурий мақбул одат бўлгай.

Ғафлат кўнгил мавти (ўлими)нинг сабабидир. Кўнгилнинг ҳақиқий ҳаёти – огоҳлик ва ҳузурдир.

Дарвешлик доимий тарзда зикр айтмоқ билан машғулланмоқ эмас, балки пайғамбар расулуллоҳнинг олижаноб ахлоқларини, жумладан, юмшоқлик, карам, саховат, садоқат, камтарлик ва бошқаларни ўрганиш ва ўзлаштиришдан иборатдир.

Фарзанд ота-онанинг бир бўлагидир. Ҳеч бир ота-она жигаргўшасининг нуқсонли бўлишини хоҳламайди. Вақт ва фурсат ғаниматдир. Шуни ўйлаб кўрингки, мендан сўнг бундай сўзларни кимдан эшитарkансиз. Ҳозир ёшлик ва саломатлик пайти бўлиб, маишат асбоби – тирикчилик учун зарурий нарсалар муҳайёдир. Ҳар бир нарсани қилишни кўнглингизга келтирманг, бир-бирингиздан хабардор бўлинг. Агар бу ишларни қила олмай кейин пушаймон бўлсангиз фойдаси йўқ.

Дўстларга касаллиги вақтида мадад қилиш ва оғирини енгиллатиш яхши ишдир. Мадад икки навъдир: бири – касалликдан қутилиш учун барча чора-тадбирларни ишга солиш ва иккинчиси – касаллик туфайли бузилган кайфиятни яхшилаш, кўтаришдир.

Суҳбатнинг фойдаси чексиздир. Шунинг учун дўстлар билан бўлмоқ ва улар билан суҳбат қилмоқни тарк этмаслик даркор.

Бизнинг дунё (мол-мулк) билан шуғулланишимиз саховат ва карам қилишдан қутқариш учундир.

Ёшлар таҳсил билан банд бўлиб, уларнинг вақти сарфу наҳв қоидаларини ўзлаштириш билан ўтади. Бундай қоида ёдлашдан уларнинг зеҳни койимаслиги учун нима қилмоқ керак? Буюклар айтибдирларки, устоз қоидаларни ўргатгандан сўнг бу тоифанинг (тасаввуф) ибратли сўз ва шавқли ҳикояларидан сўзласа, яхши бўлар эди.

## ПОЛВОН ҚИЗЛАР

Кейинги йилларда Хоразмда қизлар ўртасида спортнинг эркин кураш турига эътибор кучайди. Воҳанинг полвон қизлари халқаро ва республика мусобақаларида қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқда.

Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўзбек кураши бўйича 1986-87 йилларда туғилган ёшлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон биринчилигида хоразмликлар ўз маҳоратларини тўла намойиш этдилар.

Мусобақаларда Урганч «Олимпия заҳиралари» спорт коллежининг II-курс талабаси Ўғилжон Рўзиматова 52 кг вазн тоифасида ўз тенгдошларини доғда қолдириб, бу йилги мусобақаларда иккинчи бора Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шунингдек, 78 кг вазн тоифасида иштирок этган иқтисодиёт коллежининг II-курс талабаси, самбо кураши бўйича спорт устаси, 2003 йилги Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионатининг бронза медали соҳибаси Нодира Алибекова ҳам ўз рақибларидан устун келиб, ўзбек кураши бўйича ҳам мамлакат чемпиони бўлди. Бу галги мусобақаларда Урганч шаҳридаги 9-сон ўрта мактабининг 11-синф ўқувчиси М.Оллаберганованинг маҳорати ҳам таҳсинга сазовордир. Барча тенгдошларини муддатидан олдин мағлуб қилган Малоҳат Оллаберганова шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди. Мусобақа ғолиблари олий ўқув юртларининг жисмоний тарбия факультетларига имтиёзли равишда кириш ҳуқуқига эга бўлдилар.

«Олимпия заҳиралари» спорт коллежи мураббийси спорт устаси А.Иброҳимов шогирдлари эндиликда Осиё ва жаҳон чемпионатида мамлакатимиз спорт шарафини ҳимоя қиладилар.

**Э.ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Мамлакатимиздаги иқтисод йўналишида ўқув-тарбия ишларини олиб бораётган қатор мактабларда банк иши синфлари ҳам ташкил этилган. Ҳозир уларда 2500 га яқин ўқувчи банк-молия таълимини пухта эгалламоқда.***

## БАНК ТАЪЛИМИДАН САБОҚЛАР

Бундай истиқболли синфлар очилганига беш йил бўлди. Бу орада уларда 4000 нафарга яқин толиби илм таҳсил кўрди.

Ўзбекистон банклар уюшмаси саъй-ҳаракати билан синфлар зарур ўқув жиҳозлари, ўқув адабиётлари билан таъминланди.

Шу сана муносабати билан мазкур уюшма республика слётини ўтказди. Унда Ўзбекистон банк-молия академияси, Тошкентдаги халқаро Вестминстер университети, «Ут-банк» ўзбек-турк банки, Тошкент банк таълими коллежи вакиллари қатнашиб, бозор муносабатлари ва банк иши истиқболлари ҳақида чиқишлар қилдилар.

## ОЧИҚ БИРИНЧИЛИК ҒОЛИБЛАРИ

Шаҳрисабзда кураш бўйича ўтган Қашқадарё вилояти очиқ биринчилигида 157 полвон иштирок этди. Беллашувларда шаҳрисабзлик Элбек Танбердиев, Шуҳрат Ражабов, Номоз Назаров, Иноятулло Ибрагимов ҳамда Қарши Давлат университети талабалари Зоҳид Ҳусанов, Ориф Қувватов ўз вазнида биринчи ўринни қўлга киритди.

Шаҳрисабзлик Нодирхон Музаффаров эса турнирнинг мутлақ ғолиби бўлди.

**(ЎзА)**

## ҚЎШИҚ-ДИЛ МАЛҲАМИ

***...Эндигина саккиз ёшли қизалоқ Алишер Навоий ғазали билан «Фидо» ашуласини айтганида тўпланганлар беихтиёр қарсак чалиб юборишди. Сафарали ака қизида истеъдод борлигини шундагина пайқади. Ўша воқеага ҳам салкам 14 йил бўлибди.***

Шаҳрисабз педагогика коллежининг талабаси Малика Пардаева аъло ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам. Илм масканида ўтказилаётган маданий тадбирлар унинг иштирокисиз ўтмайди. «Қўшиқлар байрами»нинг коллежлараро босқичида ғолибликни эгаллаганлиги жамоа аҳлида ғурур ҳиссини уйғотди.

- Маликада шоирлик истеъдоди ҳам бор, - дейди коллеж директори, фалсафа фанлари номзоди Маҳмуд Маматов. - Лекин уни кўпроқ хонанда сифатида танишади. Айниқса унинг «Устозлар», «Фарғона рубойиси», «Эй нозанин» сингари ашулалари дилларга малҳам каби таъсир этади.

Коллежнинг мусиқа кафедраси ўқитувчиси Жалил Ражабов раҳбарлигида талабаларнинг мусиқа санъатиға бўлган қизиқишлари тобора ортмоқда. Бугунги кунда бу ерда 1800 нафардан ортиқ талаба етти йўналиш бўйича таҳсил олаётир. Уларга 130 дан ортиқ малакали мутахассислар сабоқ беряпти. Ғофир Маннопов, Шуҳрат Қурбонов, Абдурашид Мансуров, Мусурмон Турсунов, Умар Раҳматов сингари ўқитувчилар талабаларга фан сирларини мукаммал ўргатаяптилар.

Коллеж касаба уюшма қўмитаси раиси Мурод Шаровнинг таъкидлашича, ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш яхши йўлга қўйилган. Кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда «Меҳрибонлик уйи»дан келган талабаларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Чунончи, уларнинг ҳар бири ўқитувчилар томонидан оталиққа олинган.

Яқинда ўтказилган «Ўзбекистон қўшиқлар байрами» кўрик танловининг вилоят босқичида иштирок этиб қайтган коллеж талабаси Малика Пардаевани қувноқ ҳолда учратдик. Республика кўрик-танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритибди. Ҳа, қўшиқ инсонни орзулар сари етаклайди. Малика ҳам ана шу савобга доҳил эканлигидан бахтиёр.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**

*Истеъдодлар орамизда*



**Суратларда: коллеж талабаси Малика Пардаева; Касаба уюшма қўмитаси раиси Мурод Шаропов аълочи талабалар билан.**



*Турфа олам*

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Сачратқи ўтдан тайёрланган ичимлик асабни тинчлантиради, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди.

У юраги хаста кишиларга айниқса фойдали. Бундай кишилар сачратқи, арпа ва жавдар қўшиб тайёрланган кофе ичимлигидан тановвул қилганлари маъқул.

Унда юрак мушакларига зарур бўлган калий миқдори сачратқидагига қараганда кўпроқдир.

* * *

Саримсоқ сочни бақувватлаштирувчи ва қазғоқни кетгазувчи воситалардан ҳисобланади. Хўш, ундан қандай фойдаланилади?

Бир бош саримсоқ яхшиланиб тозалангач, майда тўғралади ёки туйилади. Агар соч қуруқ бўлса, туйилган саримсоққа тенг миқдорда ўсимлик мойи аралаштирилади, ёғлиқ соч учун эса ўсимлик мойи қўшишнинг ҳожати йўқ.

Бундай қўлбола «малҳам» соч илдизига обдон ишқаланади, кейин икки соатча очиқ ҳолда бўлгач бош совун ёки шампун билан ювилади. Муолажа 2-3 ой давомида ҳар 7-10 кунда такрорлаб турилса, самараси ортиб боради.

* * *

Спиртли ичимлик бир неча дақиқадаёқ кўкрак сутига сингиб, ундаги оқсил моддасини, шунингдек, боланинг ўсиши ва маромда ривожланиши учун зарур бўлган моддаларни кескин камайтириб юборади.

Онаси ичимликка ружу қилган болаларининг асаби бузилади, руҳи мажруҳ бўлади.

## СУВ ТУБИНИ ЁРИТСА...

Японияда сувўтларидан 300 хилдан ортиқ миллий таом тайёрланади. Бу ўсимликлардан яна ҳар хил витаминлар, оқсиллик ун, ўсимлик мойи, крахмал, турли аминакислоталар, толиқишга қарши дори-дармонлар ҳам олинади. Дурагайлаш йўли билан сувўтларнинг янги-янги серҳосил навларини яратиш, мавжуд навларнинг сифатини яхшилаш чоралари ишлаб чиқилган.

Маълум бўлишича, қўшимча ёруғлик бу ўсимликларга яхши таъсир қилар, улар тез ўсиб, таркибида янада кўпроқ фойдали моддалар тўпларкан.

Япон олимлари сув ўтларини микроэлементлар ва фосфор тузлари билан ўғитлаш, шунингдек, сув остини махсус лампалар билан ёритиш ҳисобига бу ўсимликлардан икки баробар кўп ҳосил олиш тадбирларини кўрдилар.

*Ўқинг, бу қизиқ!*

Кибернетика илмининг отаси саналмиш Норбет Винер, уйқу мияни ортиқча ахборотдан тозалаш, керакли ахборотни эса ёдда сақлаб қолиш учун зарур восита, деган эди. «Мияни тозалаш учун уйқудан яхши нарса борми, - дейди Н.Винер. - Ахир дилисиёҳликдан ёки бирор муаммони ҳал қилаолмаганда танг аҳволда қолишликдан кўпинча бизни уйқу қутқаради-ку!»

## УЙҚУ ВА ТУРМУШ

Кўпчилик халқларнинг мақол ва маталларида уйқу ўлик билан тенг саналади. Қаттиқ ухлаётган кишилар ғафлатда ётган ҳисобланади. Бундай нуқтаи назар бадиий асарларда ҳам ўз ифодасини топган.

Чунончи, «Қобуснома»нинг муаллифи Кафковус ўз ўғлига насиҳат қилиб бундай дейди: «Эй фарзанд, билгилки, донишмандлар уйқуни кичик ўлим деганлар. Шунинг учун ўлган киши ухлаган киши билан баробардир. Бу иккови ҳам дунёдан огоҳ бўлмайди. (Биринчиси жони йўқ ўлик, иккинчиси жони бор ўлик).

Лекин кундалик турмуш, хусусан ўтказилган тажрибалар уйқу тўғрисидаги бундай фикрларнинг тўғри эмаслигини кўрсатмоқда. Ухлаётган ҳайвон ва одамларни замонавий аппаратларда текшириш шуни кўрсатдики, уйқу пайтида ички аъзолар ишлайверади.

Шуниси қизиқки, тунда мазкур аъзолар «иши» баданнинг ҳолатига мувофиқлашади. Чунончи, овқатни ҳазм қилиш, ундан қувват олиш жараёнлари тезлашади, тана ички муҳитининг турғунлиги бир меъёрда сақланади ва ҳоказо.

Уйқу баданнинг пассив ҳолати бўлмай, нейронларнинг қарийб ярми ўз фаоллигини бадан уйғоқ пайтидагидан ҳам зўрайтириб юбораркан.

**А.АЛИЕВ**

*Ўзингизни синаб кўринг*

## ФУТБОЛ-ТЕСТ

**1. Энг кўп жаҳон чемпионлигига эришган терма жамоа?**
А) Италия
В) Германия
С) Франция
Д) Бразилия

**2. «Манчестер Юнайтед» жамоаси ўйнайдиган футбол ўйингоҳини биласизми?**
А) «Олд Траффорд»
В) «Маракана»
С) «Нау-Камп»
Д) «Иокогама»

**3.«Арсенал»нинг «ишонган тоғи» ?**
А) Зайниддин Зидан
В) Теьри Анри
С) Рональдо
Д) Павел Недвед

**4. «Реал» жамоасининг эгаси?**
А) Карлос Кейруш
В) Флорентина Перес
С) Хорхе Вальдано
Д) Висенте Дел-Боске

**5. Африканинг амалдаги чемпиони...**
А) Нигерия
В) Камерун
С) ЖАР
Д) Жазоир

**6.«Интерфутбол» кўрсатувининг энг ёш шарҳловчиси?**
А) Хайрулла Ҳамидов
В) Шавкат Жалилов
С) Мирзаҳаким Тўхтамирзаев
Д) Давлат Туридалиев

**7. Ўзбекистон терма жамоаси билан ўйнаган Африка қитъаси терма жамоаси?**
А) Камерун
В) Нигерия
С) Миср
Д) Эфиопия

**8. Ироқ терма жамоаси бош мураббийи?**
А) Жовҳар ал-Носир
В) Бернд Штанге
С) Ари Хаан
Д) Филипп Трусье

**9. Ўтган йилги Европа чемпионлар лигаси финалида қайси жамоалар учрашган?**
А) «Манчестер- Юнайтед» - «Бавария»
В) «Реал» - «Ювентус»
С) «Арсенал» - «Интер»
Д) Ювентус» - «Милан»

**10.Жорий йилда «Ювентус» жамоасидан «Барселона»га ижарага берилган голландиялик ярим ҳимоячи...**
А) Филлип Коку
В) Эдгар Давидс
С) Ван Нистелрой
Д) Марк Овермас

## КУНЛАРНИНГ БИРИДА

**Бир киши ўта хасис қариндошининг уйида тураркан. Ундан сўрашибди:**

**– Қариндошинг овқат еяётганда ёнида кимлар бўлади?**

**– Фақат пашшалар.**

***

*Дўкончи хотинига:*

*– Бугун Алининг дўконидан ҳеч нарса харид қилма.*

*– Нега?*

*– Унинг тарозиси бузилиб қолибди. Бизникида савдо қиляпти.*

***

**Бир чўпоннинг ўғли дадасига:**

**– Дада, мен қўй санашнинг осон йўлини топдим.**

**– Қандай?**

**– Аввал оёғини санаб чиқаман-да, кейин тўртга бўламан.**

***

*Бир донишманддан сўрабдилар:*

*– Сенинг кўпчилик одамлардан нима фарқинг бор?*

*– Фарқим шуки, кўпчилик одамлар ейиш учун яшайди, мен эсам яшаш учун ейман.*

***

**Бир файласуфдан сўрашибди:**

**– Одамлар энг қимматли бойликларидан қай бирини назар-писанд қилмайдилар?**

**– Камтарликни!**

***

*– Одам табиатининг энг ажаб томони нимада?– деб сўрашибди бир донодан.*

*– Одамлар молу мулкидан ажраса хафа бўлади-ю, умрининг ҳар куни ўтиб бораётганига парво ҳам қилишмайди.*

***

**Асаб касалига дучор бўлган бир хўшрўй аёлга врач бир қанча дори-дармон берибди-да, ҳар ҳафта келиб туришни буюрибди. Бироқ у аёл келмабди. Врач унга қўнғироқ қилиб, нега бедарак бўлиб кетганининг сабабини сўрабди:**

**– Жиғингизга тегадиган шилқимлардан ўзингизни тортиб юринг деган эдингиз-ку! – дебди аёл.**

***

*– Бир одам танишига дебди:*

*– Кўзим оғрияпти. Тадбири нима?*

*– Бултур менинг тишим оғриганда суғуриб ташлашганди.*

***

**Бир одамдан отини сўрашибди.**

**– Отни берар эдим-у, қора-да...**

**– Ажаб, қора отни миниб бўлмайдими?**

**– Бергим келмагандан кейин шу баҳона-да!**

***

*Тўй куни куёв келинга деди:*

*– Ҳақиқатни айтишга тўғри келади. Мен калман. Бошимдаги сочларим сунъий.*

*– Жуда яхши. Менинг ҳам тишларим ясама.*

***

**Икки кўр кўчада борарди. Тўсатдан бири иккинчисининг оёғини босиб олди. Шунда шериги деди:**

**– Кўчадан ўтган аёлларга алангламай, кўзингга қараб юрсанг бўлмайдими?**

***

*Дорихонадан чиққан одамнинг орқасидан фармацевт етиб олиб, дейди:*

*– Ҳой биродар! Ҳозир глюконат кальций олдингиз-а! Дарров қайтаринг.*

*– Нега?*

*– Адашиб сизга цианистий калий берибман.*

*– Мен уни ичиб қўйдим.*

*– Бўлмаса кассага 16 тийин қўшимча тўланг.*

***

**Бир киши янги уйланган ўртоғидан сўради.**

**– Хотининг билан қандай яшаяпсизлар?**

**– Биринчи ҳафтада мен гапирдим, у тинглади, иккинчи ҳафтада у гапирди, мен тингладим, энди иккаламиз гапириб, қўшнилар тинглаяпти.**

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.10

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 16355 Буюртма Г— 615 1 2 3 4 5